

**«ТАСДИҚЛАНДИ»
«ANOR BANK» АЖ
Акциядорлари умумий йиғилиши
_____ 2020**

(баённома № _____)

Кузатув кенгаши Раиси

**«ANOR BANK» АЖ
БОШҚАРУВИ ТҮҒРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент-2020

I. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек «ANOR BANK» АЖ Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом банк Бошқаруви вазифалари ва ваколатини, унинг таркиби, шакллантириш тартиби ва ваколатлари муддатларини, шунингдек, банк Бошқаруви йиғилиш тартиби ва банк Бошқаруви раиси ҳамда аъзолари хукуқлари, мажбуриятларини белгилайди.

3. Банк Бошқаруви ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг нормативлари, банк Устави ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя этади.

II. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

4. Банк Бошқаруви банкнинг Устав асосида амал қилувчи коллегиал ижро этувчи органи ҳисобланиб, Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолиятни бошқариш стратегияси ва тизимиға мувофиқ банкнинг жорий фаолиятини бошқаради ва банкнинг фаолияти, шу жумладан банкнинг мақсадлари, ривожланиш стратегияси ва сиёсатини амалий рӯёбга чиқариш учун жавобгар бўлади.

Банк Бошқаруви банк Кузатув кенгаши ҳамда банк акциядорларининг умумий йиғилишига ҳисобот беради.

Банк бошқаруви «тeng ҳукуқлилик тамойили»га, яъни банкнинг барча акциядорларига, уларга тегишли улушлар, даромадлари миқдори, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенг муносабатда бўлишга амал қилиши шарт.

5. Банк бошқарувиннинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- банк акциядорларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

- банкнинг ривожланиш стратегияси, бизнес-режаси бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- банкнинг молиявий-хўжалик сиёсатини амалга ошириш, унинг жорий молиявий-хўжалик фаолиятидаги энг муҳим масалалар бўйича қарорларни ишлаб чиқиш ва унинг бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш;

ички назорат ва таваккалчиликларни мониторинг қилиш тизимлари самарадорлигини ошириш;

банк активлари даромадлилик даражасига ва банк фаолиятидан максимал даражада фойда олишга эришишни таъминаш;

корпоратив бошқарув замонавий услубларининг ҳалқаро тажрибасини чукур таҳлил қилиш асосида жорий этиш, инвестицион, моддий-техник, молия ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, банкга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида қулай шароитлар яратиш, илғор хорижий таълим муассасалари билан ҳамқорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва касбий даражасини ошириш, шунингдек, банкда бошқарув лавозимларига юқори малакали хорижий бошқарувчilarни жалб қилиш.

6. Банк Бошқаруви ваколатига банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалалар киради, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва

банкнинг бошқа ички хужжатлари билан банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига олиб борилган масалалар бундан мустасно.

Банк Бошқаруви Банк кузатув кенгashi ва Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

Банк Бошқаруви:

Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

банк Кузатув Кенгashi томонидан белгиланган банк сиёсатига риоя этади;

Банк тузилмавий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради, техник, молия ва меҳнат ресурслари асосида банк корпоратив бошқаруви бўйича замонавий услубларни жорий этади, хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қулай шароитлар яратади, илғор хорижий таълим муассасалари билан ҳамқорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлайди ва қасбий даражасини оширади, шунингдек, банкда бошқарув лавозимларига юқори малакали хорижий бошқарувчиларни жалб қиласди.

Бош оғис ташкилий тузилмасини, банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисида қоидалар, тартиботлар, низомлар тасдиқлайди, ички аудит ва ички назорат хизмати низомлари, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланадиган ички хужжатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк хизматлари марказларини ташкил қиласди;

банк Бошқаруви қошида кўмиталар тузади ва улар тўғрисида низомларни тасдиқлайди;

банк жорий фаолиятининг энг муҳим масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди;

банкнинг ички аудит Департаменти текширувлари якунларига кўра аниқланган камчиликлар ва қоидабузишларни ҳар чорақда кўриб чиқади ва уларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган ташки аудит текширувлари ва инспекциялар ҳисоботлари (текширувлар) натижаларини батафсил таҳлил қиласди;

банк фаолиятини бошқариш учун сиёсатларни, шу жумладан кредит, инвестиция, эмиссия сиёсатларини, банк ликвидлигини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўради;

сотилаётган мулкнинг баланс қиймати ёки сотиб олинаётган мулкнинг қиймати шундай битимлар, шунингдек баланс қийматидан қатъий назар, кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш ёки сотиб юбориш битимларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соғ активларининг беш фоиздан ўн беш фоизгача микдорини ташкил этса, сотиб олиш ёки сотиши ёхуд мол-мulkни банк томонидан сотиб юбориши имконияти билан боғлиқ битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қиласди;

банкнинг маркетинг ва реклама дастурлари ҳамда уларнинг бюджетини тасдиқлайди;

банк фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботни тузиш бўйича ишларни ташкил этади;

йиллик ҳисоботни, шу жумладан банкнинг олган фойдалари ва заарлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади;

банк ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг молиявий натижаларини кўриб чиқади, режаларни ҳамда банк филиаллари ва ички бўлинмалари фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

банк Бошқарувининг йиллик фаолияти натижаларига бўйича банк Бошқарувининг банк Кузатув Кенгashi ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига берадиган йиллик ҳисоботини тайёрлашни, шунингдек, акциядорларга уларнинг талабларига биноан бажарилган ишлар ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришилганлиги тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот тақдим этишини ташкил этади;

таҳлилий ҳисоботлар шаклларини тасдиқлайди;

банк бизнес-режаси бажарилишини назорат этади;

банкнинг тафтиш комиссияси ва ички аудит хизматига зарур ахборотни тақдим этишини таъммлайди;

банкнинг ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ресурсларни жойлаштириш, кредит маҳсулотларини жорий этиш, банк кафолатларини тақдим этиш, ресурсларни, валюта операцияларини жалб этиш, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъммлаш тартиби ва тартиботларини белгилаш билан боғлиқ масалалар бўйича локал хужжатларини тасдиқлади;

банкнинг тариф сиёсатини, ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа муносабатлар бўйича сиёсатлар шакллантиради;

тижорат сирини ташкил этувчи ахборот рўйхатини белгилайди, ахборот хавфсизлигини таъммлаш учун шароитлар яратиб беради ва тиҷорат сирини ташкил этувчи ахборотга эга банкда иш тартибини белгилайди;

банкнинг таваккалчиликлари даражасини камайтириш мақсадида операциялар ўтказиш бўйича лимитлар ва чеклашларни белгилайди;

банкнинг турли даражалардаги бўлинмалари раҳбарлари ўртасида банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича мажбуриятлар ва жавобгарликларни тақсимлайди, уларни зарур ресурслар билан таъммлайди, уларнинг ҳамкорликда ишлаш ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилайди;

тасдиқланиши қонун хужжатлари ва банк Уставига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ёки банк Кузатув Кенгаши ваколатига киритиладиган локал хужжатлар-йўриқномалар, низомлар, қоидалар ва банкнинг бошқа ички хужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, банк Устави, мазкур Низом ва банкнинг бошқа локал хужжатларига мувофиқ банк Бошқаруви ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қиласди.

АЖ «ANOR BANK»да манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олади ва ҳал қиласди (банк ва унинг мижозлари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган банкнинг, унинг таркибий тузимлаларининг ва (ёки) унинг ходимларининг, мижожларининг мол-мулк ва бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддият)

банк ходимларининг иш вақтида ташқи кўринишига бўлган талабларни белгилайди
хорижий амалиётда муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув усулларидан кенг фойдаланиши жорий этади, шу жумладан SWOT, GAP таҳлили ва бошқа ёндашувлар, маҳсус дастурий маҳсулотлар и бошқалар;

акционерлар умумий йиғилиши томонидиган тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосидаги қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган муддат) бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (маъқуллаш) учун акционерлар умумий йиғилишига ёхуд Кузатув Кенгашга тақдим этади.

7. Банк Бошқаруви қўйидагиларга мажбур:

8. Банк Бошқаруви аъзолари мажбуриятларини тақсимлаш банк Бошқаруви раиси томонидан белгиланади. Мажбуриятларни тақсимлаш банк Бошқаруви ҳар бир аъзосининг у билан тузилган муддатли меҳнат шартномасида белгиланган лавозим функцияларини ҳисобга олган ҳолда банк Бошқаруви Раиси томонидан амалга оширилади.

9. Банк Бошқаруви Раиси банк Бошқаруви аъзолари ваколати доирасидаги масалаларни ҳал этишини банкнинг умумий мақсад ва режалари билан мувофиқлаштиради. У банк Бошқарувининг бошқа аъзоларим, агар масала улар ваколатига даҳлдор бўлса, жалб этади.

III. БАНК БОШҚАРУВИ ТАРКИБИ, ШАКЛЛАНИШ ТАРТИБИ, ВАКОЛАТИ МУДДАТЛАРИ

10. Банк Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат. Банк Бошқаруви таркибига банк раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва юридик хизмати раҳбари киради. Шунингдек банк Бошқаруви таркибига банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киритилиши мумкин.

11. Бошқарув раиси лавозимга банк Кузатув кенгаши қарори билан, бир йил муддатга тайинланади, кейинчалик акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Шартнома банк номидан банк Кузатув кенгаши раиси ёки банк Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Банк Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисботларининг даврийлиги, шунингдек қонунчилик билан белгиланган бошқа муҳим шартлар назарда тутилиши керак.

Қонун хужжатлари ва банкнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда, банк Бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор юқори малакали хорижий мутахассислар ҳам қатнашиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

12. Бошқарув аъзолари банк Кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга тайинланади, ушбу лавозим амал қилиш муддатини узайтириш (қайта тузиш) ёки уни бекор қилиш (тугатиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Банк Бошқаруви аъзосига номзод жиноий, маъмурий ва фуқаролик жавобгарлигига тортилган бўлсалар, бу ҳақда банк Кузатув кенгашига хабар бериши шарт.

13. Банк Бошқаруви аъзоларига номзодлар бўйича банк Кузатув кенгаши қарори, уларга банк Кузатув кенгаши аъзоларммг оддий қўпчилиги овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Бунда банк Бошқаруви аъзосини тайинлаш банк Кузатув кенгаши қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб ўтказилди, деб ҳисобланади.

14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

Банк Кузатув кенгаши банк Бошқаруви раиси, Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар банк Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукуқига эга.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки банк Кузатув кенгаши томонидан банк Бошқаруви раиси ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк Бошқаруви раиси ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

Банк Бошқаруви раиси ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган банк Кузатув кенгаши банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласди, шунингдек банк Бошқаруви раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

15. Бир вақтнинг ўзида банк ходими бўлган банк Бошқаруви аъзоси ваколатларини тугатиш унинг банк билан бўлган меҳнат муносабатларини қолган қисмида автоматик тарзда тугатмайди. Банкда эгаллаган лавозимдан бўшаш банк Бошқарувига аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади.

16. Банк Кузатув кенгаши қарорига кўра банк Бошқаруви аъзоси ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Банк бошқаруви аъзоларининг ваколатларини тугатишга асослар:

- Банк бошқаруви аъзоси хатти-харакатлари туфайли сезиларли зарар етказиш;
- банкнинг ишбилармонлик обрўсига зарар этказиш;

- қасддан жиноят содир этиш;
- банк иштирокида битим тузилганды ўз манфаатини яшириш;
- ўз вазифаларини ноинсофлик билан бажариш;
- тегишли ҳақ олиш ва бунга қонунчилик, банк Устави ҳамда банкни бошқариш органлари қарорлари билан йўл кўйилган ҳолатлардан ташқари банк фаолиятидан шахсий наф кўриш;
- банк Бошқарувида ишлаш даврида банк билан рақобатлашадиган тижорат ташкилотларини таъсис этиш;
- қонунчилик билан белгиланган бошқа асослар.

17. Банк Бошқаруви раиси ва унинг аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

IV. БАНК БОШҚАРУВИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ҶАҚИРИШ ТАРТИБИ

18. Банк Бошқаруви мажлислари банк Бошқарувининг Иш режасига (кейинги ўринларда - Иш режаси) мувофиқ, шунингдек зарур бўлган ҳолатда, бироқ, бир ойла бир мартадан кам бўлмаган тартибда ўтказилади. Банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлислари банк Бошқаруви раиси ёки зарур ҳолларда унинг ўрнини босувчи шахс томонидан чақирилиши мумкин.

Иш режаси қўйидагилардан иборат бўлади:

- банк Бошқаруви мажлисларида жорий йилда кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар (ҳар чорақда);
- банк Бошқаруви мажлисларини ўтказиш жадвали;
- банк Бошқаруви мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш учун масъул шахслар (банкни бошқариш органлари) рўйхати.

19. Иш режаси банк Бошқаруви раиси томонидан тузилади ва банк Бошқарувига кўриб чиқиш учун олиб чиқилади.

20. Иш режаси овоз беришда иштирок этган банк Бошқаруви аъзоларининг кўпчилик овозлари билан ҳар йили банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

21. Иш режаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши, банкнинг тафтиш комиссияси(тафтишчиси), ички аудит хизмати қарорлари, банк Бошқаруви аъзолари ва банкнинг бўлинмалари раҳбарлари таклифлари хисобга олинган ҳолда шаклланади.

22. Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари таклифига кўра, тасдиқланган Иш режасига банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

23. Банк Бошқаруви мажлислари банк Бошқаруви раиси томонидан, у бўлмаганда эса - банк Бошқаруви раиси ўринбосари томонидан:

- Иш режасига мувофиқ;
- банк Бошқаруви раиси ёки банк Бошқаруви аъзоларидан бири ташаббусига кўра;
- Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши, банкнинг тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати қарорига кўра чақирилади.

24. Ўз ишини ташкил этиш учун банк Бошқаруви банк Бошқаруви котибини тайинлади, банк Бошқаруви котиби банк Бошқаруви мажлислари материалларини тайёрлашда иштирок этади, банк Бошқаруви аъзоларига материаллами тарқатишни амалга оширади, банк Бошқаруви мажлислари баённомалари ва материалларини сақлайди, банк Бошқаруви мажлислари баённомаларини юритади ва иш юритишни амалга оширади.

25. Банк Бошқаруви котиби банк бўлинмаларидан банк Бошқаруви мажлислари материалларини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

Банк Бошқаруви котиби:

- банк ходими бўлиши лозим;

- банк Бошқаруви аъзоси бўлмаслиги лозим;
- банк Бошқаруви котиби вазифаларини бажариши муносабати билан унга маълум бўлган ахборотни ошкор этмаслиги шарт;
- банк Бошқаруви мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган ахборот ва хужжатлами белгиланган муддатларда сўраш ва олиш ҳуқукига эга.

26. Банк Бошқарувининг навбатдаги мажлисида муҳокама этиладиган масалалар юзасидан банк Бошқаруви раиси, банк Бошқаруви аъзолари, банк Кузатув кенгаши ёки унинг раиси, банк тафтиш комиссияси, банк бўлинмалари раҳбарлари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар таклиф бериши мумкин.

27. Банк Бошқарувининг навбатдаги мажлиси материаллари қарорлар лойиҳалари билан банк Бошқаруви мажлисининг кун тартибига мувофиқ банкнинг тегишли бўлинмалари томонидан тайёрланади ва котибга банк Бошқаруви мажлиси бошланишидан камида 2 (икки) иш куни олдин юборилади. Котиб банк Бошқаруви мажлисига тўлиқ материаллар пакетини шакллантиради ва уларни банк Бошқаруви мажлиси бошланишидан камида 1 (бир) иш куни олдин банк Бошқаруви аъзоларига (электрон шаклда) тарқатади.

28. Банк Бошқаруви раиси банк Кузатув кенгаши ва банкнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) талаб этган тақдирда банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини чақиришга мажбур.

29. Банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб банк Бошқаруви мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар белгиланган ҳамда ушбу масалаларни кўриб чиқиш учун зарур хужжатлар ва қарорлар лойиҳалари илова қилинган ҳолда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб банк Бошқаруви раисига юборилади.

30. Банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда банк Бошқаруви раиси мажлис санасини, унинг кун тартибини, банк Бошқаруви аъзоларига тақдим этиладиган материаллар рўйхатини, ушбу материалами тақдим этиш муддатларини белгилапши, шунингдек банк Бошқаруви котибига банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисига тайёргарлик кўриш бўйича барча тадбирларни ўтказиш тўғрисида кўрсатмалар бериши шарт. Мазкур ҳолатда банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш санаси уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 (икки) иш кунидан олдин белгиланиши мумкин эмас.

31. Навбатдан ташқари мажлисни чақиришни талаб этувчи шахс томонидан мазкур Низом билан белгиланган мажлисни чақириш тартиби бузилган ҳолда, банк Бошқаруви раиси банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш куни мобайнида банк Бошқарувининг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни рад этиши мумкин.

V. БАНК БОШҚАРУВИ МАЖЛИСИ. БАНК БОШҚАРУВИ МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

32. Банк Бошқаруви мажлислари йиғилиш шаклида ўтказилади (кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш ва овозга кўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун банк Бошқаруви аъзоларининг биргаликда иштирок этиши).

33. Банк Бошқаруви мажлисини банк Бошқаруви раиси, у бўлмаган тақдирда эса, банк Бошқаруви раиси мажмуриятларини бажариш зиммасига юклатилган банк Бошқаруви раисининг ўринbosарларидан бири олиб боради.

34. Агар банк Бошқаруви мажлисида банк Бошқарувининг камидা 5 (беш) нафар аъзоси иштирок этса, банк Бошқаруви мажлиси ваколатли бўлади.

35. Қарор банк Бошқаруви мажлисида иштирок этувчиларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган тақдирда банк Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

Банк Бошқарувининг бир аъзоси ўз овозини банк Бошқарувининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Банк Бошқаруви аъзолари банк Бошқаруви қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини банк Кузатув кенгашига билдириши мумкин.

36. Овоз бериш банк Бошқаруви аъзоси томонидан қуйидаги овоз бериш вариантидан бирини танлаш орқали амалга оширилади: «ёқлайман», «қаршиман», «бетарафман». Банк Бошқаруви раиси талабига кўра, банк Бошқаруви аъзоси у танлаган овоз бериш вариантини асослаб беришга мажбур.

37. Банк Бошқаруви мажлиси куни тартиби масаласи (масалалари) бўйича қабул қилинган қарорга норози бўлган тақдирда, мажлисда иштирок этган банк Бошқаруви аъзоси ушбу масала (масалалар) бўйича ўз фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақли. Банк Бошқаруви аъзосининг ушбу ёзма фикри тегишли банк Бошқаруви мажлисининг баённомасига илова қилинади.

38. Банк Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади.

Баённомада қўйидагилар кўрсатилиади:

- банкнинг тўлиқ номи;
- мажлисни ўтказиш жойи ва вакти;
- мажлисда иштирок этган банк Бошқаруви аъзолари рўйхати ва таклиф этилган шахслар рўйхати;
- мажлис кворуми мавжудлиги тўғрисида маълумот; мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари;
- мажлисда иштирок этган шахслар маъruzalari ва чиқишилари умумлаштирилган холда топшириш;
- қабул қилинган қарорлар.

Шунингдек, баённомага бошқа зарур маълумотлар киритилиши мумкин.

Баённома банк Бошқаруви котиби томонидан юритилади.

39. Баённома якуний кўринишда банк Бошқаруви мажлиси ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиқтирган ҳолда тайёрланади. Баённома банк Бошқарувининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

40. Банк Бошқаруви мажлислари баённомалари банк акционерларига, банк Кузатув кенгashi аъзоларига, банк тафтиш комиссиясига (тафтишчига) банк аудиторига уларнинг талабига кўра тақдим этилади.

41. Банк Бошқаруви мажлислари баённомалари ва улар материаллари асл нусхалари банк Бошқаруви котибida сақланади.

VI. БАНК БОШҚАРУВИ ҚАРОРЛАРИ БАЖАРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

42. Банк Бошқаруви қарорлари ижрочиларга банк Бошқаруви мажлиси баённомасидаги алоҳида масалалар бўйича банк Бошқаруви котиби томонидан имзоланган ва банк Котибияти муҳри билан тасдиқланган кўчирмалар ҳолида етказилади.

43. Банк Бошқаруви қарорлари ижроси мажбурий ҳисобланади. Уларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив хужжатлари, банкнинг локал хужжатлари ва банк Бошқарувининг қарорлари билан тартибга солинади.

44. Банк Бошқарув қарорлари бажарилиши жараёнига банк Бошқарувининг тегишли аъзоси раҳбарлик қиласи.

45. Банк бошқаруви қарорлари бажарилишини назорат қилиш банк Бошқаруви котиби орқали банк Бошқаруви раиси томонидан амалга оширилади.

VII. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ

46. Банк Бошқаруви раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави, мазкур Низом, шунингдек банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартнома билан белгиланади.

47. Банк Бошқаруви раиси:

Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

банк номидан ишончномасиз фаолият юритади, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини тақдим қиласди;

банкнинг мулки ва маблағларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва мазкур Низом билан белгиланган доираларда тасарруф этади;

банкнинг қоидалари, тартиботлари ва бошқа локал ҳужжатларини тасдиқлади, акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши ва банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатлар бундан мустасно;

банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган барча локал ҳужжатларга имзо қўяди;

банк, банк хизматлари марказлари, шунингдек республика ташқарисида очиладиган банк филиаллари ва ваколатхоналарининг штатлар жадвалини тасдиқлади;

ишончномалар беради;

банкларда банкнинг корреспондентлик, валюта, ҳисоб китоб ва бошқа ҳисобваравларни очади;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил қиласди;

сотилаётган мулкнинг баланс қиймати ёки сотиб олинаётган мулкнинг қиймати шундай битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активларининг беш фоизгача бўлган микдорини ташкил этса, сотиб олиш ёки сотиши ёхуд мол-мулкни банк томонидан сотиб юбориш имконияти билан боғлиқ битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қиласди кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш ёки сотиб юбориш битимлари бундан мустасно;

ходимларни, шу жумладан банк бўлинмалари, банк хизматлари марказлари, филиаллари, ваколатхоналари раҳбарларини меҳнат қонунчилиги ва банкнинг локал ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ишга қабул қиласди ва ишдан бўшатади;

қонунчилиқда, банк Уставида ва банкнинг бошқа локал ҳужжатларида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартибда ходимларни рағбатлантиради, шунингдек уларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш чораларини кўради;

банкнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши ва банкнинг тафтишчиси фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва мазкур Низомга мувофиқ, банкнинг жорий фаолиятига тегишли бошқа масалаларни ҳал этади.

48. Банк Бошқаруви раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат банк Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

VIII. БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

49. Банк Бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари, банк Устави, мазкур Низом, уларнинг ҳар бири банк билан бир йил муддатга тузадиган меҳнат шартнома билан белгиланади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

50. Банк Бошқаруви аъзолари:

банкнинг коллегиал ижро этувчи органи таркибида фаолият юритган ҳолда банкнинг кундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилиш масалаларини ҳал этиш;

банк фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳажмда ахборот олиш, банкнинг таъсис, локал, ҳисоб, ҳисбот, шартнома ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

банк Бошқаруви мажлисинг кун тартиби масалалари бўйича мадумотномалар тақдим этиш, арз қилиш, таклифлар киритиш;

банк Бошқарувининг Иш режасини, мажлиснинг кун тартибини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

банк Бошқаруви мажлисларини чақиришни талаб этиш;

банк Бошқаруви қарорларига нисбатан норозилигини ёзма шаклда ифода этиш ва уни банк Кузатув кенгаши эҳиборига етказиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, банк Устави, мазкур Низом, меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

51. Банк Бошқаруви аъзолари:

банк Бошқаруви мажлисларида иштирок этиши;

Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши ва банк Бошқарувининг қарорлари ва топшириқларини бажариши, банк Устави ва банкнинг локал ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

банк манфаатларида ўз ҳуқуқларини амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши ва фаолият юритиши;

ҳар чорақда, чорақ бошланганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кеч бўлмаган муддатда: банк Бошқаруви аъзоси юридик шахсларга қарашли овоз берувчи акциялар (улушлар, пайлар)нинг йигирма ёки ундан ортиқ фоизига мустақил тарзда ёки ўзининг аффилланган шахси (шахслари) билан биргаликда эга бўлса, шу юридик шахслар тўғрисидаги; банк Бошқаруви аъзоси тузилаётган ёки тузилиши кутилаётган битимларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ манфаатдор шахс деб топилиши мумкин бўлса, ўзига маълум бўлган ана шу битимлар тўғрисидаги ахборотни банк Кузатув кенгаши, банкнинг тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати эътиборига ёзма шаклда етказиши;

банк Бошқаруви аъзоси манфаатдор шахс деб топилиши мумкин бўлган тузилиши кутилаётган битимлар тўғрисида ушбу битимлар тузилишидан 15 (ўн беш) кун олдин банк Бошқаруви раисига хабар бериши;

банк сиридан иборат, шунингдек тижорат сири ҳисобланган ахборотни ошкор этмаслиги;

зарур ҳолда Акционерларнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиши шарт.

52. Банк Бошқаруви аъзолари томонидан вазифаларни бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан, шунингдек бошқа ташкилотлардаги ҳақ тўланадиган бошқа лавозимлар билан биргаликда эгаллаб туришга фақат банк Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

53. Банк Бошқаруви аъзолари банк билан ракобатлашадиган юридик шахсларни таъсис этиш ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, башарти уларга буни амалга ошириш учун банк Кузатув кенгаши томонидан рухсат берилмаган бўлса.

54. Банк Бошқаруви аъзолари банк Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишга таъсир кўрсатганликлари учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмас.

55. Банк Бошқаруви аъзолари банк олдида банкка айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) орқали етказган заарлар учун амалдаги қонунчиликка ва банк Уставига мувофиқ жавобгар бўлади.

56. Бунда бир неча шахслар жавобгар бўлган тақдирда, улар банк олдида солидар жавобгар бўладилар. Банк Бошқаруви аъзоси жавобгарлигининг асослари ва миқдорини белгилашда банк фаолиятининг одатдаги шартлари ҳамда иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар эътиборга олиниши лозим.

57. Бунда банкка заар етказишига сабаб бўлган қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган банк Бошқаруви аъзолари жавобгар бўлмайди.

58. Банк Бошқаруви аъзолари томонидан банк таваккалчилкларини самарасиз бошқариш натижасида банкка заар етказилган ҳолатда, банк Бошқаруви аъзоларига нисбатан қўйидаги жазо чоралари қодланилиши мумкин:

банк Бошқаруви аъзоси вазифаларини бажариш муносабати билан тоданадиган ҳақ миқдорининг қисқартирилиши;

банк Кузатув кенгаси қарорига кўра, банк Бошқаруви аъзолари ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;

кейинчалик ушбу шахслар номзодларини банк Бошқарувига сайлаш учун кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилиш.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

59. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

60. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки банк Уставига ўзгартиришлар киритилиши натижасида мазкур Низомнинг айrim бандлари уларга зид келса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар банк Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки банк Уставига риоя этади.

61. Банк Бошқаруви ва унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар банкнинг корпоратив сайтида нашр қилиб борилади.